

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**51-сон**  
**(187)**  
**2005 й.**  
**декабрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

373. «Электрон тўловлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–13-сон Қонуни
374. «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 19 декабрдаги ЎРҚ–14-сон Қонуни
375. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 110, 111, 133 ва 135-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–15-сон Қонуни
376. «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–16-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

377. «Халқаро шартномаларни денонсация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 декабрдаги ПҚ–241-сон қарори
378. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ–29-сон қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 декабрдаги ПҚ–242-сон қарори

*Учинчи бўлим*

379. «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори
380. «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори
381. «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 23 декабрдаги 279-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

382. «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 декабрдаги 01-8/3348, 05/14886, 14/258, 15/2061, 01-02/20-21, 16/2-7728-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 23 декабрда 1532-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 17 декабрдан 23 декабргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**373 Электрон тўловлар тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 2 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда  
маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тўловлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Электрон тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Электрон тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Электрон тўлов**

Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Электрон тўлов тўлов тизимининг субъектлари ўртасида тузилган шартномалар асосида тўлов тизимининг белгиланган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**4-модда. Тўлов тизими ва унинг турлари**

Электрон тўловлар амалга ошириладиганда тўлов тизимининг субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи тўлов тизимидир.

Тўлов тизимининг турлари:

банклараро тўлов тизими;

банкнинг ички тўлов тизими;

чакана тўловлар тизими.

**5-модда. Тўлов тизимининг қоидалари**

Тўлов тизимининг қоидаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

тўлов тизими аъзоларининг тўлов тизимига аъзо бўлиши ва аъзоликдан чиқиши тартиби;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 17 декабрда эълон қилинган.

электрон тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартлари, шу жумладан электрон тўлов ҳужжати реквизитларининг таркиби ва формати бўйича талаблар; ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш тартиби; тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш тартиби. Тўлов тизимининг қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг электрон тўловларни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўлов тизимининг барча субъектлари учун мажбурийдир.

#### **6-модда. Тўлов тизимининг субъектлари**

Тўлов тизимининг аъзолари ва тўлов тизимидан фойдаланувчилар тўлов тизимининг субъектларидир.

Тўлов тизимидан фойдаланувчиларга электрон тўловларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар тўлов тизимининг аъзоларидир.

Қайси юридик ёки жисмоний шахсларга электрон тўловларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатилаётган бўлса, шу юридик ёки жисмоний шахслар тўлов тизимидан фойдаланувчилардир.

#### **7-модда. Банклараро тўлов тизими**

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

#### **8-модда. Банкнинг ички тўлов тизими**

Банкнинг ички тўлов тизими банк филиаллари ва миқозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланган.

Банкнинг ички тўлов тизими қоидалари тўлов тизимининг аъзоси — банк томонидан белгиланади.

#### **9-модда. Чакана тўловлар тизими**

Чакана тўловлар тизими банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари (бундан буён матнда электрон тўлов воситалари деб юритилади) қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгиларига) эга бўлиши керак.

Чакана тўловлар тизимининг қоидалари мазкур чакана тўловлар тизимини тузган ташкилот томонидан белгиланади.

#### **10-модда. Тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги муносабатлар**

Тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан тартибга солинади.

Шартнома ёзма шаклда тузилган бўлиши ва унда қуйидаги қоидалар кўрсатилиши керак:

электрон тўловларни амалга оширишда электрон тўлов ҳужжатларини жўна-тиш ҳамда қабул қилиб олиш тартиби;

электрон тўловларни амалга ошириш жараёнида электрон тўлов ҳужжатлари-да электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тартиби;

электрон тўловларни амалга оширганлик учун ҳақ миқдори;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича мажбуриятлари;

тарафларнинг жавобгарлиги, шу жумладан электрон тўловларни амалга оши-ришда юзага келадиган хавфлар бўйича жавобгарликнинг тақсимланиши;

низоларни ҳал қилиш тартиби.

Тўлов тизимининг субъектлари ўртасида тузилган шартномада қонун ҳужжат-ларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

#### **11-модда. Тўлов тизими аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Тўлов тизимининг аъзолари электрон тўловларни амалга оширганлик учун ҳақ олишга ва қонунда белгиланган ҳолларда тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Тўлов тизимининг аъзолари тегишли тўлов тизимининг белгиланган қоидала-рига мувофиқ электрон тўлов ҳужжатиغا ишлов берилишини ва унинг муҳофаза қилинишини таъминлашлари керак. Бунда тўлов тизимининг аъзоси — банк:

тўлов тизимидан фойдаланувчининг ҳисобварағига тушадиган пул маблағла-рини қабул қилиши ва ҳисобга киритиши, унинг тегишли суммаларни ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариши;

ўзининг айби билан нотўғри амалга оширилган операцияларни тиклаши ёки тузатиши;

тўлов тизимидан фойдаланувчига унинг ҳисобварағига оид ахборотни шартно-мада белгиланган муддатларда қоғоздаги ёки электрон шаклда тақдим этиши;

пул маблағлари олувчининг-тўлов тизимидан фойдаланувчининг ҳисобварағи-га тушганлигини тўловчининг-тўлов тизимидан фойдаланувчининг сўрови бўйича қоғоздаги ёки электрон шаклда тасдиқлаши шарт.

Тўлов тизимининг аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **12-модда. Тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбу-риятлари**

Тўлов тизимидан фойдаланувчилар ўз ҳисобварақларида турган пул маблағла-рини мустақил тасарруф этишга ва ўз ҳисобварақлари бўйича пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ахборот олишга ҳақлидир.

Тўлов тизимидан фойдаланувчилар:

тўлов тизимининг қоидалари билан белгиланган ахборотни муҳофаза қилиш тартибига риоя этиши;

электрон тўлов воситаларининг ва идентификация маълумотларининг сақла-нишини таъминлаши;

тўлов тизимининг аъзосига электрон тўлов воситалари ёки идентификация маълумотлари йўқолганлиги тўғрисида шартномада белгиланган муддатларда хабар қилиши шарт.

Тўлов тизимидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўли-ши мумкин.

**13-модда. Электрон тўлов ҳужжатини тузиш**

Тўлов тизимининг қоидалари билан белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларига эга бўлган ҳамда электрон тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тўлов ҳужжати ҳисобланади.

Электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китобга доир қоғоз ҳужжат (бундан буён матнда пул-ҳисоб-китоб ҳужжати деб юритилади) асосида ёки электрон тўлов воқитасидан фойдаланган ҳолда тузилади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Электрон тўлов ҳужжати билан ишлашда уни электрон тўловни амалга ошириш учун зарур реквизитларни сақлаган ҳолда қоғозда такрорлаш имконияти таъминланиши керак.

**14-модда. Электрон тўлов ҳужжатиغا ишлов бериш**

Электрон тўлов ҳужжатиغا ишлов бериш электрон тўлов ҳужжатини қабул қилиш, киритиш, ёзиш, қайта тузиш, ўқиш, қайд этиш, алмаштириш, сақлаш ва йўқ қилиш билан боғлиқ операцияларни бажариш йўли билан амалга оширилади.

Электрон тўлов ҳужжатиغا, башарти у электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш таомилдан ўтган ҳамда тўлов тизимининг қоидалари билан белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларга эга бўлса, ишлов берилади.

Тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг тегишли ҳисобварақларидан пул маблағлари электрон тўлов ҳужжатларига ишлов бериш натижалари бўйича ҳисобдан чиқарилади ёки ҳисобга киритилади.

**15-модда. Электрон тўлов ҳужжатларини сақлаш**

Электрон тўлов ҳужжатлари пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини сақлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади.

**16-модда. Электрон тўлов ҳужжатининг юридик кучи**

Электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китоб ҳужжатиغا тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

**17-модда. Электрон тўловларни амалга ошириш муддатлари**

Тўлов тизимининг аъзоси — банк тўлов тизимидан фойдаланувчининг топишига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт. Тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин тушган тақдирда, тўлов тизимининг аъзоси — банк электрон тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт.

Тўлов тизимининг субъектлари шартномада электрон тўловларни амалга оширишнинг бошқа муддатларини назарда тутиш ҳуқуқига эга.

**18-модда. Электрон тўловлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш**

Электрон тўловларни амалга оширишнинг ушбу Қонуннинг 17-моддасида белгиланган муддатлари тўлов тизимининг аъзоси томонидан бузилган тақдирда, у кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлов тизимидан фойдаланувчига пеня тўлаши шарт.

Тўлов тизими аъзосининг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, тўлов тизимининг аъзоси маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг — тўлов тизимидан фойдаланувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, тўловчи — тўлов тизимидан фойдаланувчи тўлов тизимининг аъзосидан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонунда белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**19-модда. Тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш**

Тўлов тизимининг субъектлари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича, шу жумладан электрон тўлов ҳужжатларидан рухсатсиз фойдаланиш, уларга ўзгартишлар киритиш, уларни йўқотиш, йўқ қилиш ва тўсиб қўйишдан муҳофаза этишни таъминлаш бўйича белгиланган талабларга риоя этишлари керак.

Тўлов тизимининг субъектлари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлашнинг қўшимча воситалари ва усулларини белгилашлари мумкин.

**20-модда. Электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги**

Тўлов тизимининг аъзолари электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари керак.

Электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга тақдим этилмайди, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Электрон тўловлар соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**22-модда. Электрон тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Электрон тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**23-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин, давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 декабрь,  
ЎРҚ-13-сон

## ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**374** Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 2 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги 740–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) 4-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-банднинг «с» кичик бандидаги** «молия идоралари, монополияга қарши органлар, солиқ ва божхона органлари» деган сўзлар «молия, солиқ, божхона органлари ҳамда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **2-банднинг:**

«г» **кичик бандидаги** «молия идоралари, монополияга қарши органлар, солиқ ва божхона органлари» деган сўзлар «молия, солиқ, божхона органлари ҳамда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«о» **кичик банди** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги 918–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 20 декабрда эълон қилинган.



«Давлат корхонаси очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси эмиссия рисоласини тасдиқлаши акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳисобланади»;

3) **8<sup>1</sup>-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **9-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **11-модданинг:**

**иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эмиссия рисоласини чиқариш, уни рўйхатга олиш тартибини, шунингдек эмиссия рисоласида эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази белгилайди. Банклар учун уларнинг эмиссия рисолаларида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда белгилайди. Давлат корхоналари очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилганда эмиссия рисоласини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади»;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **12-модданинг биринчи қисми биринчи хатбошисидаги** ва **иккинчи қисми тўққизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **18-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **21-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **25-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси» деган сўзлар тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **267<sup>1</sup>-модда** чиқариб ташлансин;

2) **268<sup>1</sup>-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«268<sup>1</sup>-модда. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари**

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органларига ушбу Кодекснинг 178, 178<sup>1</sup> ва 215<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарикасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг номи ва матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида**»ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **13-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Бюджет тизими тўғрисида**»ги 158–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **20-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 19 декабрь,  
ЎРҚ–14-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**375 «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 110, 111, 133 ва 135-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига (2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 110-модданинг:**

**олтинчи қисмидаги** «ва ташқи бошқарув режасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн учинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пасайтирилиши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги кимосди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак»;

**2) 111-модданинг биринчи қисмидаги** «ташқи бошқарув режасида ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**3) 133-модда** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар қарздорнинг бутун мол-мулки гаров нарсаси бўлса ва гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари суммасидан кам ёки унга тенг бўлиб қолса, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар қопланганидан ва талаблар қондирилганидан кейин ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин амалга оширилади»:

**4) 135-модданинг биринчи қисмидаги** «агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан қарздорнинг мол-мулкни сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 декабрь,  
ЎРҚ–15-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 22 декабрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**376** Тadbиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 11 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312 ва 313-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 8-моддасининг:**

**биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган, шунингдек фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу Кодексда белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаганлари тақдирда, ягона солиқ тўлови тўлашга ўтишлари мумкин. Ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ тўловчиларда импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти ҳам сақланиб қолади;

**тўртинчи қисмидаги** «Ягона солиқ» деган сўзлар «Ягона солиқ тўлови ва ягона солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 77-моддасининг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари, қўшилган қиймат солиғи бўйича тасдиқланган шаклдаги ҳисоб-китобларни ортиб борувчи яқун билан солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ органларига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай ва йил яқунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар қўшилган қиймат солиғи бўйича тасдиқланган шаклдаги ҳисоб-китобларни ортиб борувчи яқун билан солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ органларига ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан ке-

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 22 декабрда эълон қилинган.

йинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ва йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади»;

**3) 84-моддаси:**

**иккинчи қисми** «Солиқ тўловчи» деган сўзлардан кейин «микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойидаги тегишли солиқ органига ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача тақдим этади»;

**4) 100-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ягона солиқ тўлови тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади»;

**5) 109-моддаси:**

**биринчи қисми** «Юридик ва жисмоний шахслар» деган сўзлардан кейин «микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни ортиб борувчи якун билан солиқ органларига ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**6) 120-моддаси:**

**биринчи қисми** «Юридик шахслар» деган сўзлардан кейин «микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар (қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни ортиб борувчи якун билан солиқ органларига ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача тақдим этади»;

**иккинчи қисми** **учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда) **5-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**2-банд** чиқариб ташлансин;

**8-банд** «ва уларнинг мансабдор шахсларига» деган сўзлардан кейин «текшириш ўтказилаётган вақтда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Давлат статистикаси тўғрисида**»ги 441–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 219-модда) **6-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**тўртинчи хатбоши** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«молия, божхона, солиқ органларидан, банклардан, бошқа идоралар ва хизматлардан, юридик шахслар ҳамда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, якка тартибдаги тадбиркорлардан давлат статистика ҳисоботларини, идоравий ҳисобга олиш маълумотларини олиш ва улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

молия, божхона, солиқ органларидан ҳамда давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова этиладиган тушунтиришларни сўраш ва олиш»;

**бешинчи—ўн иккинчи хатбошилар** тегишинча **олтинчи—ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 декабрь,  
ЎРҚ-16-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**377 Халқаро шартномаларни денонсация қилиш тўғрисида**

1. 2001 йил 7 июнда Ялта шаҳрида имзоланган ГУУАМ Ялта Хартияси;  
2003 йил 4 июлда Ялта шаҳрида имзоланган савдо ва юк ташишга кўмаклашиш бўйича ГУУАМда қатнашувчи давлатлар ўртасида ҳамжихатлик тўғрисидаги Меморандум;  
2003 йил 4 июлда Ялта шаҳрида имзоланган ГУУАМда қатнашувчи давлатлар Хукуматлари ўртасида божхона ишларидаги ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим денонсация қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги депозитарийга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари денонсация қилинганлиги тўғрисида тегишли билдиришномалар йўлласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 декабрь,  
ПҚ-241-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**378 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сон қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзметасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси корхоналарининг молиявий ҳолатини соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 20 октябрдаги ПҚ-204-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил



14 мартдаги ПҚ–29-сон қарори 1-иловасининг «Ўзмевабзавотузумсаноат-холдинг» ХК» бўлимидаги 349, 353 ва 354-позициялар чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 декабрь,  
ПҚ–242-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **379** Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ–227-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда иқтидорли, ўз касбига содиқ педагогларни рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг адолатли ва ошқора механизминини жорий этиш ҳисобига уларнинг ташаббускорлиги ва касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш, умумтаълим мактаблари ходимлари меҳнатини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш масалаларини ҳал қилишда мактабларнинг мустақиллигини ошириш ҳамда педагогик жамоалар ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, халқ таълиминини бошқариш ҳудудий органлари, педагоглар жамоатчилиги вакиллари иштирокида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими ҳар томонлама муҳокама қилинганлиги ва маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

халқ таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси (кейинги ўринларда Директор жамғармаси деб аталади) тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2006 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Директор жамғармаси барча умумтаълим муассасаларида — мактабларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари фақат умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларига устамалар белгилаш учун йўналтирилади;

Директор жамғармаси маблағларидан устамалар билан умумтаълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшаётган, ўз касбига содиқлик ва ташаббускорлик, юқори касб даражасини намоён этаётган иқтидорли ўқитувчилари рағбатлантирилади.

Умумтаълим муассасалари ходимларига Директор жамғармасидан ҳар ойлик устамалар ва бошқа рағбатлантиришлар белгилаш тўғрисидаги қарорлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Бунда халқ таълиминини бошқариш ҳудудий органларининг умумтаълим муасса-

салари ҳузуридаги махсус комиссиялар фаолиятига ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга аралашшига йўл қўйилмайди.

4. Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан фоизлардаги:

синф раҳбарлиги учун — 100 фоиз;

дафтарлар ва ёзма ишларни текширганлик учун — 50 фоиз миқдоридаги амалдаги қўшимча ҳақ сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, икки ҳафта муддатда Умумтаълим муассасаси-мактаб ҳузуридаги махсус комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда:

махсус комиссиянинг ҳуқуқлари ва масъулияти, унинг мажлисларини ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини;

педагогик меҳнатни баҳолаш мезонлари асосида ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига устамаларнинг аниқ миқдорларини белгилаш тартибини;

Директор жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини;

махсус комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ой муддатда халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини ҳамда Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни, кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, уларда:

педагог ходимлар малакасини, билим даражасини ва педагогик маҳоратини баҳолашнинг улар малакаси ҳолисона баҳоланишини таъминловчи мезонларини такомиллаштириш, шунингдек педагог малакаси пасайган тақдирда белгиланган тоифани пасайтириш;

ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинадиган тартибни белгилаш;

малака тоифаси бериш учун зарур бўлган энг кам стаж муддатларини белгилаш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йил 1 январгача халқ таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш юзасидан, айниқса жойларда зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2006-2007 йиллар мобайнида умумтаълим муассасаларининг барча педагог ходимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда унинг натижаларига кўра ходимларга тегишли малака тоифаларини белгиласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил I ярим йиллиги яқунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақ-

лаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси (Р.С. Қосимов) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари халқ таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ мониторинг ўрнатсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мониторинг асосида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборот берсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2006 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари В.А. Голишев ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 декабрь,  
275-сон

### Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари

(сўм)

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	66096	62304	58344	54482	50928
2. Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	60851	55184	51685	48276	45166
3. Халқ таълими бошқарув органи ҳузуридаги методик кабинет методисти, мониторинг бўлими (сектори)нинг инспектор-методисти, касбга йўналтириш ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси маркази ходими	41369	38408	35466	32627	x
4. Мактабдан ташқари муассасанинг ўқитувчи-тренери, олий спорт маҳорати болалар ва ўсмирлар мактаблари, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактабларининг, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг инструктор-методисти	49465	46208	43246	40303	37463
5. Мусиқа мактаби, санъат мактаби ўқитувчиси	46208	43246	40303	37463	34736
6. Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист), психологи ва мактабдан ташқари муассасалар инструктор-методисти, концертмейстери	40303	37463	34736	32119	29658
7. Болалар мактабгача муассасалари ўқитувчиси (логопед, дефектолог, тил бўйича фанлар)	43246	40303	37463	34736	32119
8. Халқ таълими барча муассасаларидаги методист (3-бандда кўрсатилгандан ташқари), педагог-ташкilotчи, тўғарақлар, студиялар, секциялар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, катта вожатий, аккомпониатор, мусиқа раҳбари, экскурсовод, маданият ишлари бўйича ташкilotчи	35466*	32627	29901	27298	24825

Мактабдан ташқари муассасалар бўлим, секция, лаборатория, кабинет мудирининг иш ҳақи миқдори (контингентдан қатъи назар) иккинчи малака тоифали тўғарақ раҳбарининг иш ҳақига тенг миқдорда белгиланади.

\* Мазкур малака тоифаси болалар мактабгача муассасалари ва мактаб-боғчаларнинг «мусиқа раҳбари» лавозими учун амал қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ  
тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари**

(сўм)

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
<b>1. Раҳбар ходимлар:</b>				
1.1 Умумтаълим мактаби директори	90387	85446	80580	75467
1.2 Методик кабинет мудири ва мониторинг бўлими (сектори) бошлиғи, касбга йўналтириш ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташҳиси маркази раҳбари	44396	x	x	x
1.3 «Меҳрибонлик» уйи, мусиқа мактаби, санъат мактаби директори	46208	43246	x	x
1.4 Мактабдан ташқари муассаса директори	40303	37463	34736	x
1.5 Мактабгача болалар муассасаси мудири	43246	40303	x	x
1.6 Олий спорт маҳорати мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактаби директори	52810	x	x	x
1.7 Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори	49465	46208	43246	x
<b>2. Раҳбарларнинг ўринбосарлари:</b>				
2.1 Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	85446	80580	75467	70483
2.2 Умумтаълим мактабидаги ўқувчиларни чақириққа тайёрлаш раҳбари	57557	53905	50345	47087
2.3 Методик кабинет мудири ва мониторинг бўлими (сектори) бошлигининг ўринбосари	43437	x	x	x
2.4 «Меҳрибонлик» уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича, мусиқа мактаби, санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	43246	40303	x	x
2.5 Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	37463	34736	32119	x
2.6 Олий спорт маҳорати мактаби, болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаби директорининг ўринбосари	49465	x	x	x
2.7 Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари	46208	43246	40303	x

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ–227-сон

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ёки аралаш молиялаштириладиган халқ таълими муассасалари педагог ходимлари ва раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши:

бюджет ташкилотлари учун қўлланиладиган Ягона тариф сеткаси асосида халқ таълими тизими муассасаларининг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига мувофиқ Ягона тариф сеткаси асосида халқ таълими давлат бошқаруви органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Халқ таълими тизими ходимлари меҳнатининг иш ҳақи базавий тариф ставкасини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

## II. Халқ таълими муассасалари ходимларининг тариф ставкалари (лавозим маошлари)

3. Халқ таълими ходимларининг лавозим маошлари:

халқ таълими муассасаларининг педагог ходимлари ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланган базавий тариф ставкалари асосида шакллантирилади. Базавий тариф ставкаси Ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасини ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тариф ставкасига доимий устамаларни, шунингдек педагог ва раҳбар ходимларнинг айрим тоифалари иш ҳақиға қўшилган компенсация тўловларини ўз ичига олади;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

Халқ таълими педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари:

ходимнинг лавозимига;

ходимнинг малака тоифасига;

халқ таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Халқ таълими муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари қуйидаги жадвалга биноан ўқувчилар (тарбияланувчилар) контингентига қараб муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади:

Халқ таълими муассасасининг типи	Контингент сони (киши)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
Умумтаълим мактаблари*	1601 нафар ва ундан ортиқ	881—1600	401—880	400 нафаргача
Мактабгача болалар муассасалари	9 гуруҳ ва ундан ортиқ	9 гуруҳгача		
«Меҳрибонлик» уйлари	201 нафар ва ундан ортиқ	200 нафаргача		
Муסיқа мактаблари ва санъат мактаблари	401 нафар ва ундан ортиқ	400 нафаргача		
Мактабдан ташқари муассасалар	1601 нафар ва ундан ортиқ	881—1600	880 нафаргача	
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	Муассасаларни тегишли гуруҳға киритиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалға оширилади			

\* Умумтаълим муассасаларига умумтаълим мактаблари ҳамда барча тип ва номдаги мактаб-интернатлар киради.

4. Халқ таълими ходимларининг касбий ўсишини рағбатлантириш учун қуйидаги малака тоифалари ва ушбу малакаларни олиш учун ходимларнинг маълумот даражасига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади:

ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажарилаётган лавозим вазибаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган, тоифаси бўлмаган ходим;

бакалавр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган иккинчи тоифали мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган биринчи тоифали мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган олий тоифали мутахассис.

Халқ таълими ходимларига малака тоифалари бериш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

5. Халқ таълими тизимида ходимларнинг базавий тариф ставкасини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим халқ таълими муассасасида бошқа лавозимга ўтганда;

ходимнинг малака тоифаси ўзгарганда (ошганда ёки пасайганда) амалга оширилади.

Базавий тариф ставкасини ўзгартириш халқ таълими муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

6. Ходим халқ таълимининг бир муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий тариф ставкаси ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

7. Умумтаълим муассасаларининг ўрта махсус, касбий ёки олий маълумотга эга бўлмаган, мазкур Низом кучга кирган пайтда педагогик фаолиятни амалга ошираётган педагог ходимлари учун, уларнинг педагогик тажрибасини, шунингдек улар 2006-2007 ўқув йилида маълумот олиш учун тегишли ўқув муассасаларига ўқишга киришларини ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

Олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни умумтаълим муассасаларига педагогик лавозимларга қабул қилишга йўл қўйилмайди.

8. Олий таълим муассасасининг 4-курсида ўқиётган шахслар педагогик ишини амалга ошириш учун қўйилиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.



### III. Устамалар ва қўшимча ҳақлар

9. Барча тип ва номдаги умумтаълим мактабларининг ўз касбига содиқ ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ва юксак касбий ва ҳалол меҳнатини рағбатлантириш, ташаббускорлиги ва касб маҳоратини ўстириш мақсадида Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан тўланадиган қуйидаги:

ўқувчилар билан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилишининг юксак даражаси учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача миқдорда;

касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланади.

10. Базавий тариф ставкасига қўшимча ҳақларнинг қуйидаги турлари сақланиб қолади:

синф раҳбарлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

дафтарлар ва ёзма ишлар мунтазам равишда текширилиши учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Кўрсатиб ўтилган қўшимча ҳақлар ушбу қўшимча ҳақни молиялаштириш учун махсус ажратиладиган бюджет маблағларидан тўланади.

11. Ходимдан қўшимча педагогик малакани талаб этадиган меҳнатнинг алоҳида шароитларида ишлаганлик учун базавий тариф ставкасига устамалар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ходимдан қўшимча педагогик малакани талаб этадиган педагогик лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга мазкур Низом кучга киргунга қадар амалда бўлган устамалар сақланиб қолади, уларнинг миқдори эса ходимнинг базавий тариф ставкасига нисбатан фоизларда ҳисоблаб чиқилади.

### IV. Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари

12. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

кетма-кет икки ойдан ортиқ бўлмаган даврда касаллик ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишлаб берилган соатлар учун ҳақ тўлашда;

бошқа муассасалардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг, шу жумладан ўриндошлик бўйича бошқа мактаблардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва мутахассисларнинг педагогик иши учун ҳақ тўлашда;

ўрнини босиш тартибида умумтаълим муассасалари раҳбарлари томонидан ўтилган ўқув соатлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

13. Умумтаълим муассасалари педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

14. Халқ таълими муассасасининг раҳбар ходими томонидан асосий лавозимнинг бир ҳафтада 10 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юкмаси юритилишига) йўл қўйилади.

**V. Халқ таълими муассасаларида меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш**

15. Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнاتини нормалаштириш йиллик, чораклик ва ойлик иш режаларига асосланган.

Йиллик иш режаси ўқув, тарбиявий ва ташкилий тусдаги асосий тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфи кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

Ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси чораклар ва ойлар бўйича тақсимланган бир йилдаги 1548 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Йиллик иш режаси ҳар бир педагог ходим учун яқка тартибда белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин халқ таълими муассасаси маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш халқ таълими муассасаси раҳбари томонидан амалга оширилади.

17. Яқка тартибдаги йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда халқ таълими муассасаси маъмурияти ўқитувчилар ва педагог ходимлар бошқа тоифаларининг ўқув юкмаси соатлари ҳажмини умумий белгиланган нормативларга нисбатан камайтириши ёки кўпайтириши мумкин. Бунда ўқув юкмасининг белгиланган нормативларига тузатиш киритиш ҳажми Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий режадагига нисбатан камайтириш ёки кўпайтириш томонга 10 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Алоҳида ҳолларда халқ таълими муассасаларида ходимнинг розилиги билан касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб олиб боришга, шунингдек ўзининг асосий иши билан биргаликда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш бўйича иш вақтининг жами давом этиши мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган жами иш вақтининг 50 фоизидан, яъни йил мобайнида 774 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

19. Халқ таълими муассасасининг ҳар бир ходими иш режаси бажарилиши тўғрисида педагогик кенгашда ёки халқ таълими муассасасини бошқаришнинг бошқа коллегиял органида ярим йилда камида бир марта ҳисобот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, умумтаълим муассасалари ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, касб маҳорати ва малака ўсишини рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ–227-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси (кейинги ўринларда «Директор жамғармаси» деб юритилади) барча умумтаълим муассасаларида ташкил этилади.

Мазкур Низомнинг амал қилиши татбиқ этиладиган умумтаълим муассасаларига Умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган барча тип ва номдаги умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлар (кейинги ўринларда «умумтаълим муассасалари» деб юритилади) киради.

3. Директор жамғармаси маблағлари:

умумтаълим муассасаларининг фақат ўртак кўрсатган ўқитувчиларини (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизини) уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга;

умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга (фавкуллода ҳолларда) йўналтирилади.

4. Рағбатлантириш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш учун туман (шаҳар)нинг энг иқтидорли ўқитувчилари илғор тажрибасини ва фаолияти самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тавсия этилади.

### **II. Директор жамғармасини шакллантириш тартиби**

5. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетда белгиланган тартибда назарда тутилдиган бюджет маблағлари Директор жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

6. Директор жамғармаси умумтаълим муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ташкил этилади. Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори молия йили учун, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети тасдиқланган параметрларида назарда тутилган 200 «Умумий таълим» бўлимининг тегишли параграфлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашга бюджет харажатлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан миқдори республиканинг барча умумтаълим муассасалари бўйича ягона ҳисобланади.

7. Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори Давлат бюджети қабул қилингандан кейин, ташкилотларга улар харажатларининг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма хати билан барча умумтаълим муассасаларига ҳамда молия органларига етказилади.

8. Бюджетдан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари таъминотига харажатларнинг йиллик сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда тегишли халқ таълими бошқарув органи молия органига белгиланган тартибда ҳар бир мактаб бўйича ушбу харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган миқдордан келиб чиқиб Директор жамғармаси маблағларини ажратиб кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади.

9. Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир умумтаълим муассасаси таъминоти харажатлари сметасида назарда тутилади, улар 01100 «Иш ҳақи» моддасига киритилади, 01130 «Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари» бюджет классификацияси коди бўйича сметага ҳисоб-китобларда алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилади.

10. Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар ҳамда бошқа турдаги рағбатлантиришларни тўлаш маблағларини молиялаштириш белгиланган тартибда молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади.

11. Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тайинланган устамалар, моддий ёрдам ва мукофотлар суммаси умумтаълим муассасасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда улардан давлат ижтимоий суғуртасига маблағ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг Директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **III. Ўқитувчиларга устамалар ва умумтаълим муассасалари ходимлари учун рағбатлантиришнинг бошқа турларини белгилаш тартиби**

12. Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш ва умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Бунда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари (туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва вилоят халқ таълими бошқармалари)нинг махсус комиссиялар фаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашувига йўл қўйилмайди, Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Молия вазирлиги билан келишилган, кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ҳолда, тасдиқланади.

14. Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар таркиби умумтаълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан, камида етти кишидан иборат этиб тасдиқланади ва унга қуйидагилар қиради:

директор — комиссия раиси;  
директорнинг мактаб ички мониторинги ташкил этилиши учун масъул бўлган ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари — комиссиянинг масъул котиби;  
педагогик кенгаш қарори билан вакил қилинган камида икки ўқитувчи;  
касаба уюшмаси ташкилоти раиси;  
умумтаълим муассасаси ота-оналар қўмитасининг камида икки нафар вакили.

15. Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар бериш ва моддий ёрдам кўрсатиш махсус комиссия мажлиси қарори билан, очиқ муҳокама қилган ҳолда ҳамда умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши ва ота-оналар қўмитаси фикрларини ҳисобга олиб, Директор жамғармасида назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Махсус комиссия мажлислари, қоидага кўра, ярим йилда бир марта, истисно ҳолларда эса заруриятга кўра ўтказилади. Ўқитувчиларнинг олдинги ўқув давридаги (чорак, ярим йилликдаги ва ҳоказо) ишини баҳолаш яқунлари бўйича ҳамда айрим ўқитувчилар иш сифатидаги аниқланган ўзгаришлар асосида махсус комиссия қарори билан белгиланган устамалар миқдорлари қайта кўриб чиқилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

#### **IV. Умумтаълим муассасалари ходимларига белгиланадиган устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорлари**

16. Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар: тарбиявий жараён амалга оширилишининг сифати ва самарадорлигига, синфдан ташқари ишларга ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳр-шафқат руҳида тарбиялашга қўшилган аниқ шахсий ҳиссага қараб ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун 15 фойзгача миқдорда; ўқувчиларни тест синовдан ўтказиш натижалари бўйича аниқланадиган, тегишли синфлар ва ўқув предметлари учун тасдиқланган Давлат таълим стандартларида назарда тутилган билимлар ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинishi даражасига қараб касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун 25 фойзгача миқдорда белгиланади.

Касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун бошланғич синфлар ўқитувчиларига ҳар ойлик устамалар синф ишининг муайян кўрсаткичларига эришилган тақдирда, фанлар ўқитувчиларига эса — ўқитиладиган фанлар бўйича муайян кўрсаткичларга эришилган тақдирда белгиланади.

17. Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига Директор жамғармаси маблағларидан устамаларнинг миқдорлари Умумтаълим мактаблари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомга мувофиқ, қуйидаги асосий мезонлар асосида белгиланади.

тарбиявий ва синфдан ташқари ишларнинг самарадорлиги ва сифати;  
касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган шахсий ҳисса, таълимнинг юқори самарадорлиги ва сифати;  
синфга раҳбарлик қилиш самарадорлиги;  
умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшилган ҳисса;  
билимни мунтазам такомиллаштириб бориш, касб маҳоратини ва малакасини ўстириш;

умумтаълим муассасасининг ижтимоий ҳаётида қатнашиш;  
ўқувчилар билими, маҳорати ва кўникмаларининг умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқлиги даражаси;

ўқувчилар билимидаги нуқсонларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларининг самарадорлиги ва педагогик жихатдан мақсадга мувофиқлиги;

ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;

баҳолашнинг тест синови ва рейтинг методлари натижаларига қараб аниқланадиган билимларнинг дастурга мувофиқ барқарор ўзлаштирилишини ҳамда ўқитишнинг яхши сифатини таъминловчи педагогик ишларнинг юқори самарадорлиги, шунингдек иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан яқка тартибда ишлашни ташкил этиш;

ўқитувчи томонидан илғор методлар ва педагогик технологиялар муваффақиятли қўлланилиши, ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий шаклларини жорий этиш ва ҳоказо.

18. Умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимларига ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқитувчиларга мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

19. Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкаларига Директор жамғармаси ҳисобига ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йили иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув ярим йиллиги якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

20. Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини бир марталик мукофотлаш уларнинг умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади.

21. Умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаати-га кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказо).

#### **V. Директор жамғармаси маблағларининг сарфланишини назорат қилиш тартиби**

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Директор жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини белгиланган тартибда текширади.

23. Устамаларни белгилаш учун тақдим этилган маълумотларнинг холислиги, ошқоралиги ва тўғрилиги ҳамда уларни белгилаш тартибига риоя қилиниши учун махсус комиссиялар раҳбарлари жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2006 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари рўйхатидаги 5, 9-11, 13-14, 20 ва 22-бандлар (1-илова).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 310-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 62-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида» 2004 йил 15 июлдаги 335-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 66-модда).

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **380** Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ–229-сон қарорини бажариш юзасидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизимини янада такомиллаштириш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларининг бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги ва юкланмаси даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига боғлиқлигини кучайтириш, шунингдек тиббиёт ходимларининг касб даражаси ва малакасини узлуксиз ошириб боришлари учун рағбатлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари вакиллари, тиббиёт муассасалари раҳбарлари иштирокидаги мажлисида тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими ҳар томонлама муҳокама қилинганлиги ва маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика хо-

димлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2006 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг келишилган лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ўрнатилган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва муассасанинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш учун йўналтирилади;

Жамғарма маблағларидан самарали, аниқ тарзда фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тиббиёт муассасалари ҳузурида тегишли тиббиёт муассасаси раҳбари бошчилигида ва касаба уюшмаси ташкилоти вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссия қарори асосида қабул қилинади;

соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларининг махсус комиссиялар фаолиятига ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга аралашшига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги 2005 йил 25 декабргача бўлган муддатда:

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни;

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

Бунда Жамғарма тўғрисидаги Низомда Жамғарма маблағларини сарфлашнинг икки йўналиши ўртасидаги фоизлар нисбати тиббиёт муассасалари тўрт (I—IV) гуруҳининг ҳар бири учун 3-иловага мувофиқ бўлиши назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш юзасидан зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини 2006 йил 1 январгача амалга оширсинлар;

2006 йил мобайнида 4-иловага мувофиқ Дастурга биноан қишлоқ врачлик амбулаторияларини қишлоқ врачлик пунктларига айлантиришни тугалласинлар;

Халқаро тараққиёт ассоциацияси ҳамда Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириладиган «Саломатлик-II» лойиҳаси доирасида 5-иловага мувофиқ Дастурга биноан соғлиқни сақлаш бошланғич бўғинининг амбулатория-поликлиника тармоғида умумий амалиёт врачлари тизимига босқичма-босқич ўтилишини таъминласинлар.

Амбулатория-поликлиника тармоғини қишлоқ врачлик пунктларига қўйиладиган талабларга мувофиқ умумий амалиёт врачлари иш принциpigа босқичма-босқич ўтказиш дастурининг бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири (Назиров) зиммасига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Респуб-



ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва улар меҳнатини рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ, тизимли мониторинг ўрнатсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда, тизимли мониторинг асосида ҳар чоракда ахборот берсинлар.

7. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш Республика комиссияси (Қосимов) икки ой муддатда даволаш-профилактика муассасаларидан фойдаланишнинг аҳолини пухта ўрганиб чиқсин ҳамда аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини оширишни ва сифатини яхшилашни таъминлаш учун уларнинг тармоғи ва қувватларини мақбуллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Нодавлат тиббиёт муассасаларига 2006 йил 1 январдан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тариф сеткасини жорий этишга ўтиш тавсия қилинсин.

9. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1995 йил 2 мартдаги 75-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 537-сон қарори 4-бандининг тиббиёт ходимларига оид қисми 2006 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибининг 29-бандига қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

иккинчи хатбошига «фоизи» сўзидан кейин «(соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида камида 50 фоизи)» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «фоизи» сўзидан кейин «(соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда)» сўзлари қўшилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари В.А. Голишев ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 декабрь,  
276-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва  
фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг  
ТАРИФ СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	2,773
2	3,050
3	3,355
4	3,691
5	4,060
6	4,466
7	4,913
8	5,453
9	6,053
10	6,719
11	7,390

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари  
тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш  
тартиби ва шартлари тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом:

давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасига мувофиқ (кейинги ўринларда «тариф сеткаси» деб юритилади), уларни молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган давлат муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча тўлов, устамалар ва рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган бошқа тўловларни тўлашнинг ягона принципларини белгилайди;

мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган давлат муассасаларининг нотиббиёт мутахассисларига (биологлар, зоологлар ва паразитологлар ҳамда мутахассисларнинг бошқа тоифаларига) нисбатан ҳам қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони билан ташкил этилган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига татбиқ этилмайди;

бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф

сеткаси асосида ҳақ тўланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг ишчи ва хизматчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Давлат муассасалари режали бюджет маблағлари доирасида устамалар, қўшимча тўловлар ва рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган бошқа тўловлар миқдорларини белгиланган тартибда белгилайди. Бунда ходимларнинг малакаси ва улар томонидан бажариладиган ишларнинг мураккаблиги тариф сеткаси асосида белгиланадиган лавозим маошлари (ставкалар) миқдорларида ҳисобга олинган.

## II. Тариф ставкаларини белгилаш тартиби

3. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкалари тариф сеткаси асосида иш ҳақининг белгиланган энг кам ойлик миқдорини мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тегишли гуруҳларга киритилган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари учун белгиланган тариф сеткасининг тегишли разряди тариф коэффицентига ва тузатиш коэффицентига кўпайтириш йўли билан белгиланади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари гуруҳлари бўйича қуйидаги тузатиш коэффицентлари белгиланади:

муассасаларнинг 1-гуруҳи учун — тегишли разряд тариф ставкасига 1,0 тузатиш коэффицентига;

муассасаларнинг 2-гуруҳи учун — тегишли разряд тариф ставкасига 1,03 тузатиш коэффицентига;

муассасаларнинг 3-гуруҳи учун — тегишли разряд тариф ставкасига 1,05 тузатиш коэффицентига;

муассасаларнинг 4-гуруҳи учун — тегишли разряд тариф ставкасига 1,15 тузатиш коэффицентига.

4. Иш ҳақи миқдорларини белгилаш барча ҳолларда асосий, ўриндошлик ва ўрнини босадиган лавозимлар (ишлар тури) бўйича амалга оширилади.

5. Тариф сеткаси бўйича разрядлар тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар лавозимлари бўйича белгиланади.

6. Ходимларга тариф ставкалари, қўшимча тўлов ва устамалар миқдорларини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарганда — ушбу Фармон кучга кирган ойдан бошлаб;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони берилганда — фахрий унвон берилган кундан бошлаб;

малака тоифаси берилганда — ҳузурида аттестация комиссияси ташкил этилган орган (муассаса)нинг буйруғига мувофиқ;

илмий даража берилганда — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диплом бериш тўғрисидаги қарори чиққан кундан бошлаб;

стаж учун устама миқдорини кўпайтириш ҳуқуқини берадиган стажнинг узлуксизлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлганда — стажнинг узлуксизлиги тўлган кундан бошлаб амалга оширилади.

7. Муассаса раҳбари ходимлар меҳнатига ўз вақтида ва тўғри ҳақ тўланиши учун жавоб беради. Меҳнат ҳақи нотўғри тўлангани аниқланган тақдирда раҳбар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хатоларни зудлик билан тузатиш ва бутун давр учун кам ҳисобланган (ортиқча ҳисобланган) тўловни тўлаш (ушлаб қолиш) чораларини кўриши шарт.

### III. Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари

8. Кичик тиббиёт ходимлари учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади:

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Барча номлардаги санитарка ва бошқа кичик тиббиёт ходимлари	1	2,773
2. Беморларни парвариш қилувчи кичик ҳамшира	1	2,773
3. Хўжалик бекаси	2	3,050

Туман касалхоналари ва ихтисослаштирилган клиникаларнинг реанимация бўлимлари (интенсив терапия бўлимлари)да ишлайдиган, беморларни парвариш қилувчи кичик ҳамшираларга тариф сеткаси бўйича 2-разряд белгиланади.

9. Ўрта тиббиёт ходимлари учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади:

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Тиббий рўйхатдан ўтказувчи, дезинфектор	2	3,050
2. Барча номлардаги тиббиёт ҳамшираси, шафқат ҳамшираси, фельдшер, акушерка, лаборант, рентген лаборанти, тиббиёт статистиги, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим		
— тоифасиз	2	3,050
— II тоифа	3	3,355
— I тоифа	4	3,691
— олий тоифа	5	4,060
3. Операция ҳамшираси, анестезист-ҳамшира, реанимация ва интенсив терапия бўлимлари ҳамшираси, туғруқхона (бўлим)нинг акушеркаси, санитария врачининг ёрдамчиси, паразитолог врачнинг ёрдамчиси, энтомологнинг ёрдамчиси		
— тоифасиз	3	3,355
— II тоифа	4	3,691
— I тоифа	5	4,060
— олий тоифа	6	4,466
4. Бўлим (филиал) фельдшери, акушеркаси; катта тиббий ҳамшира, катта фельдшер, катта акушерка; тиш врач, шошилинч ёрдам катта фельдшери, ҳамширалик иши мутахассиси, етакчи тиббий ҳамшира		
— тоифасиз	4	3,691
— II тоифа	5	4,060
— I тоифа	6	4,466
— олий тоифа	7	4,913

Олий маълумотга эга бўлмаган даволовчи жисмоний тарбия йўриқчисига ва методистига тариф сеткаси бўйича иккинчи разряд белгиланади.

10. Врач ходимлар учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади:

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Мутахассис врач		
— тоифасиз	6	4,466
— II тоифа	7	4,913
— I тоифа	8	5,453
— олий тоифа	9	6,053
2. Беморларни операция қиладиган барча номлардаги врач-хирург; тезкор фаолиятни таъминлайдиган ва реанимация чора-тадбирларини амалга оширадиган анестезиолог-реаниматолог врач; даволаш тадбирларини амалга оширадиган эндоскопист врач; тез тиббий ёрдам кўчма бригадаси мутахассис врач; умумий амалиёт врач		
— тоифасиз	7	4,913
— II тоифа	8	5,453
— I тоифа	9	6,053
— олий тоифа	10	6,719

Протез-ортопедия корхоналари ва бирлашмаларининг мутахассис врачларига, врач-хирургларига, анестезиолог-реаниматолог врачларига II гуруҳ муассасалар (умумий ихтисосликдаги турғун муассасалар) учун назарда тутилган тузатиш коэффициентлари белгиланади.

Диагностика марказларида ва жарроҳлик аралашувини амалга оширмайдиган бошқа муассасаларда ишлайдиган барча номлардаги врач-хирургларга мутахассис врач сифатида тариф белгиланади.

11. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек бош тиббиёт ҳамширалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткаси бўйича разряд соғлиқни сақлаш муассасасининг типига қараб табақалаштирилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини типларга ажратиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек мазкур қарор билан тасдиқланган тариф сеткасига мувофиқ ходимларнинг ушбу тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тиббиёт муассасаси қувватини, амбулатория-поликлиника тармоғи учун — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонини ҳамда касалхона муассасалари учун — даволаниб чиққан беморлар сонини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий ихтисосликка тегишли бўлмаган ва даволаш, диагностика ёки профилактика фаолиятини амалга оширмайдиган ёрдамчи бўлинмалари (бўлимлари)нинг (бухгалтерия, иқтисодий бўлимлар, кадрлар бўлими, муҳандислик иншоотлари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль парки ва бошқалар) раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси асосида амалга оширилади.

12. Даволаш-профилактика муассасаларининг фармацевтика ходимлари учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади:

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Провизор		
— тоифасиз	4	3,691
— II тоифа	5	4,060
— I тоифа	6	4,466

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
— олий тоифа	7	4,913
2. Фармацевтика ходимлари		
— тоифасиз	1	2,773
— II тоифа	2	3,050
— I тоифа	3	3,355
— олий тоифа	4	3,691

13. Тиббиёт муассасаларида врачликдан бошқа фаолиятни бажарётган олий маълумотли мутахассислар учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади:

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Психолог, биолог, зоолог, паразитолог, энтомолог, ионлаштирувчи ва ноионлаштирувчи нурланиш манбалари устидан назорат қилиш бўйича эксперт-физик; даволовчи жисмоний тарбия бўйича йўриқчи; даволовчи жисмоний тарбия бўйича методист	6	4,466

14. Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК), ногиронлар ва кексалар интернат-уйлари, ногиронлар учун пансионатлар, ўқув юртлари, ногиронлар учун реабилитация марказлари, шунингдек болалар мактабгача муассасалари, барча типдаги мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик уйи» болалар уйлари, санаторий-ўрмон мактаблари тиббиёт ходимларининг тариф ставкалари муассасаларнинг биринчи гуруҳи бўйича белгиланади.

#### **IV. Иши соғлиқ учун хавфлилиги ва меҳнатнинг ўта оғир шароитлари муносабати билан тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча тўловлар**

15. Меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва ўта оғир шароитлари учун тиббиёт ва фармацевтика ходимларига қўшимча тўловлар мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ миқдорларда ва рўйхат бўйича белгиланади.

#### **V. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча тўловлар**

16. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг таркибий бўлинмаларига мудирлик қилганлик учун врачларга:

штатида врачлар лавозими 6 тагача бўлганда — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

штатида врачлар лавозими 6 тадан ортиқ бўлганда — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

Кабинетларга мудирлик қилганлик учун врачларга ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

17. Туман, туманлараро ва шаҳар ТМЭКларининг раислари бўлган врачларга комиссияга раҳбарлик қилганлик учун ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

18. Қишлоқ врачлик пунктлари филиал (бўлим)ларига мудирлик қилганлик учун

врачлар, фельдшерлар, акушеркалар, тиббиёт ҳамшираларига ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

19. Врачлик мутахассислиги бўйича тегишли тоифага эга бўлган тиббиёт муассасалари раҳбарларига, уларнинг ўринбосарлари — врачларга:

олий малака тоифаси мавжудлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

биринчи малака тоифаси мавжудлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

20. Тиббиёт муассасаларининг мутахассислиги бўйича тегишли тоифага эга бўлган бош тиббиёт ҳамшираларига:

олий малака тоифаси мавжудлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида;

биринчи малака тоифаси мавжудлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

21. Муассасалар раҳбарларига ва уларнинг ўринбосарлари — врачларга, шунингдек тегишли равишда врачлик ва провизорлик лавозимларини эгаллаб турган врачлар ва провизорларга, номларидан қатъи назар, ҳамда илмий даражага эга бўлган:

тиббиёт ва фармацевтика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида;

тиббиёт ва фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

22. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

23. Турғун типдаги муассасалар ходимларига тунги вақтда ишлаганлиги учун эгаллаб турган лавозими бўйича лавозим маоши тариф ставкаси ҳисоб-китобидан келиб чиқиб тунги вақтда ишланган ҳар бир соат учун соатбай тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

## **VI. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкаларига устамалар**

24. Алоҳида муассасалар, бўлинмалар ва лавозимларда узлуксиз иш стажи учун устамалар:

шошилиш тиббий ёрдам хизматининг врачларига, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ҳамда ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 30 фоиз;

қишлоқ врачлик пунктлари врачларига, қишлоқ жойлардаги амбулаториялар ва участка касалхоналари врачларига узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 50 фоиз;

поликлиникаларнинг ҳудудий участкалари участка терапевтларига, ўсмирлар врачларига, участка педиатрларига ва участка тиббиёт ҳамшираларига, поликлиникалардаги терапия ва педиатрия бўлимлари мудирларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 40 фоиз;

тез ёрдам хизмати ва санитария авиациясининг кўчма бригадалари катта врач-

лари, врачлари ва ўрта тиббиёт ходимларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 30 фоиз;

ўлатга қарши муассасаларнинг ва алоҳида хавfli юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш муассасаларининг таркибий бўлинмалари ходимларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 80 фоиз;

лепрозория муассасалари ва таркибий бўлинмаларининг ходимларига узлуксиз иш стажи учун: 3 йилдан 5 йилгача бўлганда тариф ставкасининг 15 фоизи; 5 йилдан 10 йилгача бўлганда — тариф ставкасининг 25 фоизи; 10 йилдан ортиқ бўлганда — тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

25. Врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, шунингдек соғлиқни сақлаш барча муассасалари фармацевтика ходимларига қуйидаги устамалар:

узлуксиз иш стажи 5 йилдан 10 йилгача бўлганда — тариф ставкасининг 5 фоизи миқдорида;

узлуксиз иш стажи 10 йилдан 15 йилгача бўлганда — тариф ставкасининг 10 фоизи миқдорида;

узлуксиз иш стажи 15 йилдан 20 йилгача бўлганда — тариф ставкасининг 15 фоизи миқдорида;

узлуксиз иш стажи 20 йилдан ортиқ бўлганда — тариф ставкасининг 20 фоизи миқдорида белгиланади, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг мазкур Низомнинг 24-бандида кўрсатилган алоҳида тоифалари бундан мустасно.

26. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг мутахассислиги бўйича узлуксиз ишлаганлиги учун устама олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқиш тартиби мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ белгиланади.

27. Маслаҳатлар берганлиги учун врачлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

профессор, тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эга бўлганда — тариф ставкасининг 3 фоизи миқдорида;

доцент, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлганда — тариф ставкасининг 2 фоизи миқдорида;

илмий даражага эга бўлмаган врачга — тариф ставкасининг 1 фоизи миқдорида белгиланади.

28. Ходимларнинг тариф ставкаларига устамалар ва қўшимча тўловлар миқдори тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

29. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини меҳнатга виждонан муносабати ва кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш, уларга мукофотлар бериш ва бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этиладиган давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича гуруҳлари**

**I. Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология назорати хизмати ва бошқа муассасалар**

1. Қишлоқ врачлик пунктлари ва уларнинг филиаллари (бўлимлари)
2. Шаҳарлардаги поликлиникалар (болалар поликлиникасидан ташқари)
3. Стационар ўринлари бўлмаган диспансерлар
4. Скрининг — марказлар
5. Республика болалар ва ўсмирлар репродуктив соғломлаштириш маркази
6. Саломатлик институти ва унинг филиаллари
7. Санитария-эпидемиология назорати хизмати муассасалари (республика, вилоят, шаҳар ва туман санитария-эпидемиология назорати марказлари, карантин ва ўта хавfli инфекциялар профилактикаси маркази ва унинг филиаллари, дезинфекция станциялари)
8. Тиббиёт статистикаси бюроси

**II. Умумий профилли стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар**

9. Илмий-текшириш институтлари ва олий тиббиёт ўқув юртлари клиникалари
10. Республика касалхоналари, тиббиёт-санитария қисмлари
11. Республика (вилоят, шаҳар) перинатал маркази
12. Вилоят, шаҳар ва туман касалхоналари, жумладан туғруқхоналар, туғруқхона мажмуалари
13. Шаҳар ва туман марказий касалхоналари, қишлоқ участка касалхоналари
14. Суд-тиббий экспертиза бюроси ва унинг филиаллари
15. Патологоанатомик марказлар ва уларнинг филиаллари
16. Қон қуйиш станциялари
17. Санаторийлар

**III. Ихтисослаштирилган стационар муассасалар**

18. Ихтисослаштирилган касалхоналар, клиникалар, диспансерлар ва марказлар:
  - 18.1 Сил касалликлари
  - 18.2 Юқумли касалликлар
  - 18.3 Онкологик касалликлар
  - 18.4 Тери-таносил касалликлари
  - 18.5 Эндокринологик касалликлар
  - 18.6 Рухий касалликлар

- 18.7 Рухий-асаб касалликлари
- 18.8 Наркологик касалликлар
- 19. Республика нейрохирургия, онкология (жумладан хоспислар), аллергология, суяк хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш, йирингли хирургия ва қандли диабет асоратларини даволаш, болалар ортопедияси тиббиёт марказлари
- 20. Фтизиатрия ва пульмонология, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар, вирусология, эндокринология ва паразитология илмий-тадқиқот институтлари клиникалари
- 21. ОИТСни даволаш маркази ва унинг филиаллари
- 22. Болалар касалхоналари ва поликлиникалари
- 23. Болалар уйлари
- 24. Лепрозорийлар

#### **IV. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари**

- 25. Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази — унинг вилоятлардаги филиаллари, туманлар (шаҳарлар) марказий касалхоналаридаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари
- 26. Тез тиббий ёрдам станциялари

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

#### **Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлганлиги муносабати билан уларда ишлаш ходимлар тариф ставкаларига қўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек лавозимлар рўйхати**

##### **I бўлим. Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган, уларда ишлаш ходимларнинг тариф ставкасига 15 фоиз миқдорида қўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган муассасалар, бўлинмалар**

1.1. Юқумли касалликлар шифохоналари, сурункали инфекцияларга чалинган беморлар учун болалар санаторийлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, провизорлар лавозимлари, шу жумладан кўрсатиб ўтилган муассасаларнинг (таркибий бўлинмаларининг) дорихоналари мудирилари.

Номларидан қатъи назар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими лавозимлари, мутахассислар ва хизматчилар, шу жумладан кутубхона ва клуб ходимлари, эвакуаторлар.

Номларидан қатъи назар, кичик тиббиёт ходимлари лавозимлари, юқумли ка-

салликлар шифохоналари штатидаги дорихоналарнинг ёрдамчи ходимлари лавозимлари, барча касблардаги ходимлар.

1.2. Юқумли касалликларга чалинган ва гельминтлар билан зарарланган беморлар учун бўлимлар, палаталар, шунингдек кундузги гельминтология стационарлари, юқумли касалликлар кабинетлари, вокзаллардаги тиббиёт пунктлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

Палаталар бўлимлари ичида ишлайдиган ва беморларга хизмат кўрсатувчи барча касблардаги ходимлар.

1.3. Чақалоқлар уйлари ва болалар боғчалари, болалар ясиллари, ясли-боғчалар, умумий типдаги чақалоқлар уйларидаги гуруҳлар: таянч-ҳаракатланиш аппарати функциялари бузилган ва рухий нуқсони бўлмаган, жисмоний ривожланишида бошқа нуқсонлари бўлган болалар учун; марказий нерв тизимида органик шикастланишлари, шу жумладан рухий нуқсони бўлмаган, болалар церебрал фалажи бўлган болалар учун; кар-соқовлик нуқсони бўлган (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) болалар учун; нутқида нуқсони бўлган (дудуқлар, аллалияли ва нутқида бошқа нуқсонлари бўлган) болалар учун; кўриш нуқсонлари бўлган (кўр, яхши кўрмайдиган) болалар учун.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.4. Марказий нерв системаси шикастланган, таянч-ҳаракатланиш аппаратлари функцияларида нуқсонлари бўлган болалар учун санаторийлар, марказий нерв системаси шикастланган, таянч-ҳаракатланиш аппаратлари функцияларида нуқсонлари бўлган болалар учун даволаш-профилактика муассасалари бўлинмалари, палаталари (гуруҳлари).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.5. Барча ихтисослардаги хирургия бўлимлари (палаталари) ва стационарларнинг операция блоклари.

Барча номлардаги врач-хирурглар лавозимлари (кардиохирурглар, нейрохирурглар ва микрохирурглардан ташқари), беморларни операция қилувчи операция ҳамширалари ва боғловчи ҳамширалар, шу жумладан туғруқ блокларида туғруқларни қабул қилиб олиш билан боғлиқ врачлар ва ўрта тиббиёт ходими лавозимлари.

1.6. Бўлимлар (палаталар): янги туғилган чақалоқлар учун; гемодиализ, беморларни гемодиализ, гемосорбция, плазмофорез, ультрафилтрация методларини қўлланган ҳолда даволаш учун; визуал назорат қилган ҳолда оператив аралашувларда рентген аппаратларидан фойдаланиладиган барча ихтисослардаги хирургия бўлимлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари, гемодиализ бўлимлари аппаратларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар.

1.7. Стационарлар ва поликлиникаларнинг тери-таносил бўлимлари, палаталари, кабинетлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари, беморларга хизмат кўрсатувчи барча касблардаги ходимлар.

1.8. Физиотерапия бўлимлари, бальнеология кабинетлари, балчик билан даволаш хоналари (бўлимлари, кабинетлари).

Номларидан қатъи назар, сероводород, натрий сульфид ва углесероводород ванналари ва балчиқ хоналарида беморларга хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган врачлар лавозимлари.

Номларидан қатъи назар, қуйидагилар учун назарда тутилган ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозимлари (медстатистиклар ва медрегистраторлардан ташқари):

сероводород, натрий сульфид ва углесероводород ванналари ва балчиқ хоналарида беморларга хизмат кўрсатиш учун;

балчиқ билан даволаш шифохоналарида ишлайдиганлар учун; радонли ванналар бериш учун;

озокерит процедуралари тайёрлаш ва бериш учун;

ҳар қандай қувватдаги УВЧ генераторларида ишлайдиганлар учун (ҳар сменада ойига камида ўртача 10 та процедура беришда).

Балчиқларни иситиш ва келтириш, сунъий сероводород сувини тайёрлаш учун назарда тутилган ходимлар лавозимлари.

Сероводород, натрий сульфид ва углеводородли, радонли ванналарга доимий хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар ҳамда бинолар ва иншоотлар, асбоб-ускуналар приборларини жорий таъмирлаш ҳамда физиотерапия шифохоналарини (бўлимларини), ертўлалар асбоб-ускуналарини, бинолардаги ванналарнинг иситиш приборларини, сероводород, натрий сульфидли ва углеводородли, радонли ванналарнинг туташтирувчилари ва резервуарлари, қувурлари ҳамда бурғулаш қудуқлари бош қисмини жорий таъмирлаш учун назарда тутилган ходимлар касблари.

1.9. Компьютер томографияси бўлимлари (кабинетлари).

Номларидан қатъи назар, ионлаштирувчи нурланиш соҳасида ишлайдиган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, мутахассислар лавозимлари.

1.10. Онкология муассасаларининг кимё-терапия бўлимлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.11. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ва уларнинг таркибий бўлинмалари, интернат-уйлар, шу жумладан болалар, кексалар ва ногиронлар интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатлари, ёлғиз, кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатадиган пансионатлар, бўлимлар, ногиронларни тиббий-санитария жиҳатидан соғломлаштириш марказлари.

Барча номлардаги, бўйсунушидан қатъи назар, улар штатида турадиган кўрсатиб ўтилган муассасаларда беморларга хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган раҳбарлар, врачлик лавозимлари, ушбу муассасаларнинг контингентларга хизмат кўрсатадиган ва улар билан ишлайдиган ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, мутахассислари, хизматчилари ва ишчилари.

1.12. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг барокамералари ва кессонлари, ерости бўлимлари (палаталари), соғломлаштириш пунктлари, тиббиёт пунктлари (шу жумладан метрополитен иншоотларидаги).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.13. Ультратовушли диагностика ва эндоскопия кабинетлари (бўлимлари).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.14. Қон қуйиш станциялари, қон ва унинг компонентларини тайёрлаш бўлимлари.

Қон компонентларини ва суюқ илигини музлатилган ҳолда тайёрлаш ва сақлаш ишлари учун назарда тутилган, номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.15. Амбулатория-поликлиника муассасалари (бўлинмалари)нинг психотерапия кабинетлари.

Врач-психотерапевт, ҳамшира лавозимлари.

1.16. Кўзи ожиз ва кар-соқов болалар ҳамда эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун болалар уйлари, кар ва кўзи ожизлар учун санаторийлар, интернат-уйлар, Кар-соқов болаларни реабилитация қилиш маркази.

Бўйсунушидан қатъи назар, улар штатида турадиган кўрсатиб ўтилган муассасаларда беморларга хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган, номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта тиббиёт ходими лавозимлари, шу жумладан кутубхона ва клуб ходимлари.

Номларидан қатъи назар, кичик тиббиёт ходими лавозимлари, барча касблардаги ходимлар.

1.17. Эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар, болалар боғчалари, ясли-боғчалар, кар-соқов ишчилар тайёрлаш бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари. Марказий нерв системаси шикастланган, таянч-харакатланиш аппарати функциялари бузилган болалар учун мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари, ясли-боғчалар, жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун интернат-уйлар.

Бўйсунушидан қатъи назар, улар штатида турадиган кўрсатиб ўтилган муассасаларда беморларга хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган, номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

1.18. Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат муассасалари.

Лазер қурилмаларида ишлайдиган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими ҳамда ушбу қурилмаларга хизмат кўрсатадиган мутахассислар лавозимлари.

1.19. Санитария-эпидемиология муассасалари.

Эпидемиология, паразитология, бактериология, вирусология, санитария-назорат (карантин), дезинфекция бўлинмалари (бўлимлари) мудирлари лавозимлари (профилактика дезинфекцияси бўлимлари, бўлинмаларидан ташқари).

Врач-эпидемиологлар, дезинфекцияловчилар, паразитологлар, энтомологлар, вирусологлар, ўта хавфли инфекциялар бўлимлари (бўлинмалари), пунктлари, санитария-назорат (карантин) ва дезинфекция станциялари врачлари лавозимлари.

Электромагнит майдонлари лабораторияларининг мудирлари, санитария врачлари, муҳандислари лавозимлари.

Радиация гигиенаси (хавфсизлиги) бўлимлари мудирлари, лабораториялари санитария врачлари, врач-лаборантлари, муҳандис-техник ходимлари.

Коммунал гигиена ва меҳнат гигиенаси бўйича санитар врачлар, метрополитенларнинг санитария-эпидемиология станциялари (бўлимлари, гуруҳлари) вентиляцияси бўйича муҳандислар лавозимлари.

Очиқ симобли аппаратларда ишлаш учун назарда тутилган (шу жумладан поляррографларга хизмат кўрсатадиган) врач-лаборантлар ва муҳандислар лавозимлари.

Токсикология лабораториялари врач-лаборантлари, лавозим маошлари зарарли меҳнат шароитлари муносабати билан ошириладиган, кон-руда, кон қазиш ва кимё саноати корхоналарига, муҳандис-техник ходимларга хизмат кўрсатишда банд бўлган санитария врачлари лавозимлари. Муассасада врач-эпидемиолог лавозими бўлмаган тақдирда ушбу вазифа тегишли устама тўлаган ҳолда бош врач зиммасига юкланади.

Номларидан қатъи назар, ўта хавфли инфекциялар бўлимлари (бўлинмалари) кичик тиббиёт ходими лавозимлари, шу жумладан вирусология, паразитология ва дезинфекция сифатини назорат қилиш бўйича лаборантлар.

Санитария-назорат (карантин) бўлимлари, дезинфекция станциялари (бўлим-

лари, пунктлари) ўрта тиббиёт ходимлари, шу жумладан дезинфекторлар, дезинструкторлар, гидротехниклар лавозимлари.

Врач-эпидемиологлар, энтомологлар, паразитологлар, санитария врачлари ёрдамчилари, электромагнит майдонлари лабораториялари техниклари ва лаборантлари лавозимлари.

Коммунал гигиена бўлимларининг, метрополитенларнинг санитария-эпидемиология станциялари меҳнат гигиенаси (бўлимлари, гуруҳлари) бўлим (гуруҳ)ларининг санитария врачлари ёрдамчилари ва лаборантлари лавозимлари.

Очиқ симобли аппаратларда (шу жумладан полярографларга хизмат кўрсатувчи), радиация гигиенаси (хавфсизлиги) лабораторияларида ишлаш учун назарда тутилган ўрта тиббиёт ходими, шу жумладан лаборантлар ва техниклар лавозимлари.

Юқумли касалликларга чалинган беморларни, шу жумладан токсикология лабораториялари лаборантларини ташийдиган ўрта тиббиёт ходими лавозимлари.

Кон-руда, кон қазилар ва кимё саноати, лавозим маошлари хавфли меҳнат шартлари муносабати билан оширилган муҳандис-техник ходимларга хизмат кўрсатадиган меҳнат гигиенаси бўйича санитария врачлари ёрдамчилари лавозимлари.

Ўта хавфли инфекциялар; санитария-назорат (карантин) бўлинмалари (бўлимлари, пунктлари), очиқ симобли аппаратларда ишлаш учун мўлжалланган (шу жумладан полярографларга хизмат кўрсатувчи), токсикология лабораториялари (шу жумладан паразитология, вирусология, бактериология лабораториялари) ҳамда радиация гигиенаси (хавфсизлиги) препаратлари лабораториялари санитаркалари лавозимлари.

Омборлар мудирлари, омборчилар, дезинфекциялаш воситаларини идишга жойловчилар, дезинфекторлар вазифасини бирга қўшиб бажарадиган автомобиль ҳайдовчилари, зарарланган ҳайвонлар билан ишлайдиган виварийлар ходимлари, шунингдек юқумли касалликка чалинган беморларни ташийдиган санитаркалар ва автомобиль ҳайдовчилари.

1.20. Марказлаштирилган стерилизация бўлими.

Ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

## **II бўлим. Уларда ишлаш схемали лавозим (ойлик) маошлари (ставкалари)ни 15-25 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари**

2.1. Жарроҳлик аралашувларини камайтирган ва харажатларни мақбуллаштирган ҳолда беморнинг сифатли ва тез соғайиб кетишига қўмаклашувчи энг янги технологияларни ва замонавий асбоб-ускуналарни бевосита қўллаб тиббий хизматлар кўрсатувчи врачлар лавозимлари, — 25 фоиз.

2.2. Жарроҳлик аралашувларини камайтирган ва харажатларни мақбуллаштирган ҳолда беморнинг сифатли ва тез соғайиб кетишига қўмаклашувчи энг янги технологияларни ва замонавий асбоб-ускуналарни бевосита қўллаб тиббий хизматлар кўрсатувчи ўрта тиббиёт ходимлари лавозимлари, — 15 фоиз.

Уларда ишлаш врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари лавозим маошларига устамалар ҳуқуқини берувчи юқори технологияли асбоб-ускуналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган қўшма қарори билан белгиланади.

**III бўлим. Уларда ишлаш схемали лавозим (ойлик) маошлар  
(ставкалар)ни 25 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган, соғлиқ учун  
ўта хавфли ва меҳнат шароитлари ўта оғир бўлган муассасалар,  
бўлимлар ва лавозимлар**

3.1. Сил касалликлари (сил касаллигига қарши) шифохоналари, диспансерлари, санаторийлари, санаторий-профилакторийлари, болалар боғча ва ясилари, чақалоқлар уйлари, ногиронлар ва уруш фахрийлари учун госпиталлар.

Номларидан қатъи назар, врачлар лавозимлари, провизорлар, шу жумладан кўрсатиб ўтилган муассасалар (таркибий бўлимлар) дорихоналари мудирлари, мутахассислар ва хизматчилар, шу жумладан кутубхона ва клуб ходимлари.

Номларидан қатъи назар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими лавозимлари, шу жумладан мутахассислар ва хизматчилар, кутубхона ва клуб ходимлари, эвакуаторлар.

Номларидан қатъи назар, кичик тиббиёт ходими, сил касалликлари муассасаси штатида турадиган дорихоналарнинг ёрдамчи ходими лавозимлари, барча касблардаги ходимлар.

3.2. Сил касалликлари муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш (меҳнат) устахоналари.

Номларидан қатъи назар, врачлар лавозимлари; мутахассислар ва хизматчилар (шу жумладан директор, бош муҳандис ва бошқалар).

Номларидан қатъи назар, ўрта тиббиёт ходими лавозимлари; мутахассислар ва хизматчилар (шу жумладан цехларнинг бошлиқлари, мастерлар ва бошқалар).

Номларидан қатъи назар, кичик тиббиёт ходимлари лавозимлари, барча касблардаги ходимлар.

3.3. Даволаш-профилактика муассасаларининг силга чалинган беморлар учун бўлимлари, палаталари, изоляторлари, сил касалликлари кабинетлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар ва ўрта тиббиёт ходими лавозимлари.

Номларидан қатъи назар, кичик тиббиёт ходими лавозимлари; бўлим ичида ишлашда беморларга хизмат кўрсатувчи барча касблардаги ходимлар.

3.4. Санаторий мактаб-интернатлари, чақалоқлар уйлари ва болалар боғчалари, болалар ясилари, ясли-боғчалардаги, умумий типдаги чақалоқлар уйларидаги гуруҳлар, шу жумладан сил касалига, сил касали интоксикациясига, сил касалининг енгил ва йўқоладиган шаклларида чалинган болалар учун.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.5. Туғруққа ёрдам кўрсатиш муассасалари:

Врач-неонатологлар.

3.6. Хирургия бўлимлари (палаталари).

Кардиохирурглар, нейрохирурглар, микрохирурглар.

3.7. Анестезиология-реанимация бўлимлари (гуруҳлари).

Реанимация ва интенсив терапия бўлимлари (палаталари), экспресс-диагностикани таъминловчи лаборатория (гуруҳ).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.8. Ўлат касаллигига қарши муассасалар.

Муассаса (бўлим) штатидаги барча ходимлар.

3.9. Психиатрия (психоневрология), наркология муассасалари ва бошқа муассасалар, уларнинг бўлимлари (руҳий беморларни ҳамда алкоголизм ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш учун мўлжалланмаган бўлимлар, кабинетлар, палаталардан ташқари). Руҳий беморларни ҳамда алкоголизм ва гиёҳвандликка

(шу жумладан уларнинг сурункали шаклларига) дучор бўлган шахсларни даволаш учун мўлжалланган бўлимлар, палаталар ва кабинетлар.

Номларидан қатъи назар, врачлар, шу жумладан даволаш-ишлаб чиқариш (мехнат) устахоналарида, ёрдамчи қишлоқ хўжалигида беморларга хизмат кўрсатиш учун врачлар лавозимлари (руҳий беморларни ҳамда сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш учун мўлжалланмаган бўлимлар, кабинетлар, палаталар врачлари лавозимларидан ташқари).

Номларидан қатъи назар, ўрта тиббиёт ходимлари, шу жумладан даволаш-ишлаб чиқариш (мехнат) устахоналарида, ёрдамчи қишлоқ хўжалигида беморларга хизмат кўрсатиш учун врачлар лавозимлари (руҳий беморларни ҳамда сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш учун мўлжалланмаган бўлимлар, кабинетлар, палаталар врачлари, архивнинг тиббий регистраторлари лавозимларидан ташқари).

Номларидан қатъи назар, шу жумладан даволаш-ишлаб чиқариш (мехнат) устахоналарида ва ёрдамчи қишлоқ хўжалигида беморларга хизмат кўрсатадиган кичик тиббиёт ходими лавозимлари; бўлимлар ичида ишлайдиган ишчи касблари, сартарошлар, кийим-бош омборчилари, лифтёрлар ҳамда беморларга хизмат кўрсатадиган ишчи касблари.

Мутахассислар ва хизматчилар лавозимлари, шу жумладан бош врачнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, кутубхона ва клуб ходимлари, психологлар, юридик маслаҳатчилар, хўжалик мудирлари.

3.10. Марказий нерв системаси шикастланган, руҳий нуқсонли болалар учун бўлимлар ва палаталар, наркологиya бўлимлари, палаталари ва кабинетлари. Алкоголдан қаттиқ заҳарланган ёки қучли алкоголли психоз оқибатида шикастланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган даволаш-профилактика муассасаларининг ихтисослашган қабул бўлимлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта тиббиёт ходими ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари, шу жумладан беморларга хизмат кўрсатувчи сартарошлар.

3.11. Невр системаси органик шикастланган, руҳий нуқсонли болалар учун гуруҳлар.

Номларидан қатъи назар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.12. Марказий нерв системаси шикастланган, руҳий нуқсонли бўлган болалар учун болалар яслилари ва санаторийлари. Невр системаси органик шикастланган, руҳий нуқсонли бўлган болалар учун чақалоқлар уйлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта тиббиёт ходими ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.13. Тез тиббий ёрдам станциялари (бўлимлари).

Врачлар, ўрта тиббиёт ходими ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари, шунингдек тиббий ёрдам кўрсатиш ва руҳий касалланган беморларни ташиш бўйича ихтисослаштирилган бригадалар автомобилларининг хайдовчилари.

3.14. Ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган ва марказий нерв системаси шикастланган, руҳий нуқсонли бўлган болалар учун мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари, ясли-боғчалар ва халқ таълими бошқа муассасалари.

Барча номлардаги, бўйсунушидан қатъи назар, улар штатида турадиган кўрсатиб ўтилган муассасаларда беморларга хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозимлари.

3.15. Барча ихтисосликдаги рентген, радиология ва рентгенорадиология (компьютер томографиясидан ташқари) бўлимлари, бўлинмалари, лабораториялари, гуруҳлари ва кабинетлари. Тошларни рентген тўлқини зарби билан масофадан ту-



риб майдалаш бўлинмалари. Контраст ва ички юрак методи билан рентген тадқиқотлари ўтказиш марказлари, бўлинмалари, кабинетлари.

Номларидан қатъи назар, ионли нурланиш ёки радиоактив моддалар билан ишлаш соҳасидаги врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими, мутахассислар лавозимлари.

3.16. Лабораториялар (бўлимлар, бўлинмалар).

Номларидан қатъи назар, юқумли касалликларнинг жонли қўзғатувчилари (ёки касал ҳайвонлар), касалликлар пайдо қилувчи вируслар билан ишлашда, қон, нажас ва сийдикни анализ қилишда ишлайдиган, шу жумладан оқ трепонема иммобилизацияси реакциясини ўтказиш бўйича доимий ишлаш учун назарда тутилган врачлар, ўрта тиббиёт ходими лавозимлари.

Номларидан қатъи назар, юқумли касалликларнинг жонли қўзғатувчилари (ёки касал ҳайвонлар), касалликлар пайдо қилувчи вируслар билан ишлашда, қон, нажас ва сийдикни анализ қилишда ишлайдиган, шу жумладан оқ трепонема иммобилизацияси реакциясини ўтказиш бўйича доимий ишлаш учун назарда тутилган кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.17. Суд-тиббиёт экспертизаси бюроси.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта тиббиёт ходими (шу жумладан бўлимлар, бўлинмалар, лабораториялар раҳбарлари, мудирлари (бошлиқлари) ва санитарлар лавозимлари.

3.18. Патологоанатомия бюрolari (бўлимлари, бўлинмалари), мурда тўқималари, органлари ва қон тайёрлаш (консервациялаш) бўлимлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар (врач-патологоанатомлардан ташқари) ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.19. Ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун психоневрология интернат-уйлари ва интернат-уйлар, жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун интернат-уйлар, ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган шахслар учун реабилитация марказлари (бўлимлари), кексалар ва ногиронлар махсус уйлари.

Бўйсунушидан қатъи назар, улар штатида турадиган кўрсатиб ўтилган муассасаларда беморларга хизмат кўрсатиш учун назарда тутилган барча номлардаги врачлар ва ўрта тиббиёт ходими лавозимлари; директорлар, директор ўринбосарлари, мутахассислар ва хизматчилар, шу жумладан кутубхона ва клуб ходимлари.

Номларидан қатъи назар, кичик тиббиёт ходими лавозимлари, бўлимлар ичида ишлайдиган барча касблардаги ишчилар.

3.20. Соғлиқни сақлаш психиатрия (психоневрология муассасалари ва 3.19-бандда санаб ўтилган ижтимоий таъминот муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш (меҳнат) устахоналари.

Директор, бош муҳандис, цех бошлиғи, катта мастер ва мастер, ҳисобчи, барча касблардаги ишчилар, ишлаб чиқариш таълими йўриқчилари, бригадир лавозимлари.

3.21. Ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун психиатрия (психоневрология) муассасалари, психоневрология интернат-уйлари, реабилитация марказлари, кексалар ва ногиронлар махсус уйлари ҳузуридаги ёрдамчи қишлоқ хўжалиғи.

Хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар, шу жумладан агрономлар, зоотехниклар, хизматчилар, ҳисобчилар, барча касблардаги ишчилар, оммавий касблар ишчиларининг ишлаб чиқариш таълими йўриқчилари, бригадирлар.

3.22. Руҳий касал беморлар ва сил касаллигига чалинган беморлар учун ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, шу жумладан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари раислари лавозимлари.

Номларидан қатъи назар, ўрта тиббиёт ходими, кичик тиббиёт ходими лавозимлари, кийим-бош омборчилари.

3.23. Милиция бўлинмалари кучлари билан қўриқланадиган тери-таносил диспансерлари стационарлари.

Муассаса (бўлим) штатидаги барча ходимлар.

3.24. Орқа мияси шикастланган, оёқ ёки қўллари ва оёқлари ишламайдиган ва чаноқ-тос органлари функцияси бузилган беморлар учун муассасалар (бўлимлар, палаталар).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.25. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг: куйган беморлар; кучли заҳарланган беморлар; мияда қон айланиши бузилган неврологик беморлар; чала туғилган болалар учун бўлимлари (палаталари).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.26. Интернат-уйлардаги ўрнадан туролмайдиган беморлар учун ижтимоий таъминот ихтисослаштирилган муассасалари ва уларнинг бўлинмалари, бўлимлари (палаталари).

Ўрнадан туролмайдиган беморларга бевосита хизмат кўрсатадиган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.27. Амбулаторияда протезлаш бўлимлари ва протез-ортопедия корхоналари стационарлари.

Протез-ортопедия бирлашмалари ва корхоналари раҳбарлари, муҳандис-протезистлар, техник-протезистлар, врачлар, ўрта ва кичик ходимлар.

3.28. Барча турдаги йирингли хирургия беморлари учун бўлимлар (палаталар).

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходими лавозимлари.

3.29. Идоравий бўйсунушидан қатъи назар, муассасалар.

Врач психиатр-нарколог, психотерапевт, психиатр лавозимлари.

**IV бўлим. Уларда ишлаш схемали лавозим (ойлик) маошларини (ставкаларини) 30 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган, соғлиқ учун ўта хавфли ва меҳнат шароитлари ўта оғир муассасалар, бўлинмалар ва лавозимлар**

4.1. Лепрозорийлар: лепрозорга қарши бўлимлар, палаталар, изоляторлар, кабинетлар, пунктлар.

Муассаса (бўлим) штатидаги барча ходимлар.

**V бўлим. Ушбу Рўйхатнинг I ва III бўлимларида назарда тутилган икки ва ундан кўп асослар бўйича схемали лавозим маошларини 40 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган шароитлар мавжудлиги муносабати билан уларда ишлаш схемали лавозим (ойлик) маошларини (ставкаларини) ошириш ҳуқуқини берадиган муассасалар, бўлинмалар ва лавозимлар**

5.1. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари.

Ушбу Рўйхатнинг I ва III бўлимларида назарда тутилган икки ва ундан кўп

асослар бўйича лавозим маошини ошириш ҳуқуқини берадиган ишларда банд бўлган ходимлар.

Масалан: рентгенология бўлимида ишлайдиган врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимига лавозим маоши 25 фоизга оширилади. Тиббиёт ходимига лавозим маошлари 25 фоизга ошириладиган психиатрия шифохонасидаги ишини ҳисобга олган ҳолда эса зарарли меҳнат шароитлари учун жами 50 фоиз эмас, балки фақат 40 фоиз устама белгиланади.

**VI бўлим. Уларда ишлаш схемали лавозим (ойлик) маошларини (ставкаларини) 35 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари**

6.1. Патологоанатомия бюрolari (бўлимлари, бўлинмалари).  
Врач-патологоанатомлар.

**VII бўлим. Уларда ишлаш схемали лавозим (ойлик) маошларини (ставкаларини) 60 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган, ОИТСга чалинган беморларни даволаш учун мўлжалланган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари**

7.1. ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш марказлари.

ОИТСга ва ОИВ инфекциясига чалинган беморларни диагностика қилиш, даволаш ва уларга бевосита хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ касблардаги тиббиёт ходими, раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар ва ишчи касблар ходимлари лавозимлари.

7.2. ОИТСга ва ОИВ инфекциясига чалинган беморларни даволаш учун мўлжалланган соғлиқни сақлаш муассасалари ва муассасаларининг ихтисослаштирилган бўлинмалари.

ОИТСга ва ОИВ инфекциясига чалинган беморларни диагностика қилиш, даволаш ва уларга бевосита хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажарувчи тиббиёт ходими, раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар ва ишчи касблар ходимлари лавозимлари.

7.3. Соғлиқни сақлаш органлари томонидан зиммасига аҳолини ОИВ инфекцияси юзасидан текшириш ҳамда ОИТС ва ОИВ инфекциясига чалинганлардан олинadиган қон ва биологик суюқликларни текшириш юкланган лабораториялар ва соғлиқни сақлаш муассасалари гуруҳлари.

Аҳоли қонини ва ОИТСга чалинган беморлардан олинadиган материалларни лабораторияда барча турдаги текширишларни ўтказиш ишларини бажарувчи тиббиёт ходими, раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар ва ишчи касблари ходимлари лавозимлари.

7.4. Илмий-тадқиқот муассасалари ва уларнинг таркибий бўлинмалари.

Илмий ходим лавозимлари (шу жумладан бўлинмалар раҳбарлари, бош, етакчи, катта ва кичик илмий ходимлар).

Илмий-техник ходимлар лавозимлари (катта лаборантлар, лаборантлар, препаратлар).

ОИТС муаммоси бўйича илмий мавзуни бажариш ишларига жалб этилган ҳамда ОИВ инфекциясига ва ОИВ материаллари (шу жумладан ҳайвонлар) билан потенциал зарарланган беморлар билан боғлиқ ишларни бажарадиган мутахассислар,

хизматчилар ва ишчилар (шу жумладан ҳайвонларни парваришлаш бўйича ишчилар) лавозимлари.

7.5. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шу жумладан бактерия ва вирус препаратлари ишлаб чиқариш цехлари.

ОИТС вируси ва ОИВ инфекцияси материали билан боғлиқ ишларни бажарувчи раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар ва ишчи касблар ходимлари лавозимлари.

**VIII бўлим. Уларда ишлаш ҳар бир иш соати учун соатбай тариф ставкасини (маошини) 50 фоизга ошириш ҳуқуқини берадиган, ОИТСга ва ОИВ инфекциясига чалинган беморлар билан бевосита контактда бўладиган соғлиқни сақлаш муассасалари ва уларнинг таркибий бўлинмалари**

8.1. ОИТСга ва ОИВ инфекциясига чалинган беморлар билан бевосита контактда бўлиш натижасида консултациялар, кўздан кечириш, тиббий ёрдам кўрсатиш, суд-тиббий экспертиза ва бошқа ишларни амалга оширишда банд бўладиган тиббиёт ходими, раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари.

Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг мутахассислиги бўйича узлуксиз иш стажини ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Меҳнат дафтарчаси мутахассислик бўйича иш стажини аниқлаш учун ҳужжат ҳисобланади.

1. Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари мутахассислиги бўйича узлуксиз иш стажига киритиладиган вақт даврлари.

Қуйидагилар мутахассислик бўйича иш стажига киритилади:

врачлар ва провизорлар учун — олий ёки ўрта тиббиёт ёки фармацевтика маълумоти мавжуд бўлганда, врачлик, фармацевтика ва ўрта тиббиёт ходимлари лавозимларида, шу жумладан раҳбарлик лавозимларидаги иш вақти;

ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — ўрта тиббиёт ёки фармацевтика ходимлари лавозимларидаги, шу жумладан раҳбарлик лавозимларидаги иш вақти; меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларига тенглаштирилган нотиббиёт лавозимини эгаллаб турган мутахассислар учун:

мутахассислиги бўйича иш вақти;

олий ёки ўрта тиббиёт ёки фармацевтика маълумоти мавжуд бўлганда, врачлик, фармацевтика ва ўрта тиббиёт ходимлари лавозимларидаги, шу жумладан раҳбарлик лавозимларидаги иш вақти;

кичик тиббиёт ходимлари учун — кичик тиббиёт ходими лавозимларидаги иш вақти;

врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, ички ишлар ва миллий хавфсизлик органларида тиббиёт ва фармацевтика ходимлари штат лавозимларидаги хизмат вақти.

2. Қуйида санаб ўтилган даврлардан бевосита олдин ва бевосита кейин устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган ишда ишлаганлик шарти билан узлуксиз иш стажига киритиладиган вақт даврлари:

мутахассислиги бўйича малакасини такомиллаштириш ва ошириш курсларида, шунингдек магистратурада, аспирантурада ҳамда докторантурада ўқиш вақти;

ходим амалда ишламаган, лекин унинг иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи тўлиқ ёки қисман сақланиб қолган вақти, шу жумладан нотўғри ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишда ва кейинчалик уни ишга қайта тиклашда мажбурий ишламаган вақти;

ходим ишламаган, лекин ўзининг иш жойи (лавозими)ни сақлаб қолган ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа олган вақти, бола 2 (3) ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун бериладиган таътилда бўлган даврлардан ташқари;

давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришдаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жамоат ташкилотлари топшириқларини бажаришдаги иш вақти.

3. Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари лавозимига:

муассасалардан (бўлинмалардан) уларни тугатиш (қайта ташкил этиш) ёки лавозимни қисқартириш, ёхуд доимий яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ ҳолда ишдан бўшатишдан кундан бошлаб 3 ойдан кечикмай;

муассасалардан (бўлинмалардан) ўз хоҳишига кўра (узрли сабабга кўра), шу жумладан эри ёки хотини бошқа жойга ўтказилганда (ўтказиш вақти бир ой муддатга киритилмайди) ишдан бўшатишдан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай. Ўз хоҳишига кўра бўшатилишида узрли сабаб деб эътироф этиш амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади;

агар бевосита олдин ишлаган соғлиқни сақлаш муассасаларида (бўлинмаларида) бир ойдан кўп бўлмаган танаффус билан таълим олган бўлса, олий, ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари, клиник ординатура ёки аспирантурани тугатгандан кейин бир ойдан кечикмай;

агар хизмат бевосита олдин муассасаларда (бўлинмаларда) ўтган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатишдан вақтдан бошлаб кўчиб ўтишга кетган вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 3 ойдан кечикмай;

ҳарбий хизматчи эрини (хотинини) бошқа жойга ўтказишда ишдан бўшатишдан ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатилиши муносабати билан эрининг (хотинининг) кўчиб ўтиши билан боғлиқ ҳолда ишдан бўшатишдан кундан бошлаб 3 ойдан кечикмай;

муассасалардан (бўлинмалардан) бўшатилишига сабаб бўлган вақтинчалик ногиронлиги ёки касаллиги тугагандан кейин, шунингдек ушбу асосларга кўра бошқа ишга ўтказилган ҳолларда бир ой мобайнида;

агар бевосита олдин ишлаган муассасалардан (бўлинмалардан) пенсияга чиққан бўлса, ёшга доир пенсияга, ногиронлик пенсиясига ёки узоқ йил хизмат қилганлик учун пенсияга чиққанда;

агар хорижда бевосита олдин муассасаларда (бўлинмаларда) ишлаган бўлса, чет эллардаги муассасаларда, бошқа давлатларга техник ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассис сифатида халқаро ташкилотлардаги ишдан Ўзбекистон Республикасига қайтгандан кейин 2 ойдан кечикмай ишга кирганда узлуксиз иш стажига сақлаб қолинади. Чет элдан яшаш жойига келиш ҳамда чет элда ишлаган вақтида фойдаланилмаган таътилда бўлиш вақти мазкур икки ойлик муддатга киритилмайди.

Ушбу қоида ходимлар билан бирга чет элда бўлган оила аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
3-ИЛОВА

380-модда

**Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва  
ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг  
маблағларини сарфлаш йўналишлари**

Тиббиёт муассасалари гуруҳлари	Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари:			Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари:	
				моддий рағбатлантиришга	моддий-техника базасини мустаҳкамлашга
I гуруҳ	тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизигача	ҳомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар	меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларидан тежам	25 %	75 %
II гуруҳ				35 %	65 %
III гуруҳ				40 %	60 %
IV гуруҳ				50 %	50 %

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2005 й.

— 54 —

51 (187)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**2006 йилда қишлоқ врачлик амбулаторияларини қишлоқ  
врачлик пунктларига айлантириш дастури**

Худудлар номи	ҚВА, жами	шу жумладан 2006 йил мобайнида қайта ўзгартириладиганлари			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Қорақалпоғистон Республикаси	22	2	4	7	9
Андижон вилояти	0				
Бухоро вилояти	11	1	2	3	5
Жиззах вилояти	11	1	2	4	4
Қашқадарё вилояти	81	8	21	24	28
Навобй вилояти	9	1	2	3	3
Наманган вилояти	6		1	2	3
Самарқанд вилояти	18	2	4	6	6
Сурхондарё вилояти	58	6	12	18	22
Сирдарё вилояти	0				
Тошкент вилояти	34	3	8	11	12
Фарғона вилояти	54	7	10	16	21
Хоразм вилояти	21	2	5	6	8
<b>Республика бўйича ҳаммаси</b>	325	33	71	100	121

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
5-ИЛОВА

380-модда

**Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг амбулатория-поликлиника  
муассасаларини умумий амалиёт врачлари иш принципига босқичма-босқич  
ўтказиш дастури**

Т/р	Маъмурий ҳудудлар	Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасалари сони	шу жумладан: амбулатория- поликлиника муассасалари	Умумий амалиёт врачлари иш принципига ўтказиладигани	шу жумладан йиллар бўйича:			
					2006 йилда	2007 йилда	2008 йилда	2009 йилда
1	Қорақалпоғистон Республикаси	188	174	66	14	16	18	18
2	Андижон вилояти	378	352	352	80	84	90	98
3	Бухоро вилояти	350	339	337	78	80	85	94
4	Жиззах вилояти	195	183	183	41	44	48	50
5	Қашқадарё вилояти	329	312	312	73	75	81	83
6	Наманган вилояти	265	251	251	59	60	65	67
7	Навоий вилояти	157	149	60	11	15	16	18
8	Самарқанд вилояти	437	423	403	91	101	104	107
9	Сурхондарё вилояти	282	261	261	55	61	71	74
10	Сирдарё вилояти	155	145	24	4	5	7	8
11	Тошкент вилояти	280	260	258	59	62	66	71
12	Фарғона вилояти	290	270	56	11	12	14	19
13	Хоразм вилояти	181	171	50	11	12	13	14
	<b>Республика бўйича ҳаммаси</b>	3487	3290	2613	587	627	678	721

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2005 й.

— 56 —

51 (187)-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **381** Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 16 ноябрдаги ПФ-3680-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 418-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 93-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандида «республика бюджетига» сўзлари «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳисоб рақамига» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 23 декабрь,  
279-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**382** «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
23 декабрда 1532-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 2 январдан кучга киради)*

«Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сон «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотларни узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2004 йил 7 майдаги 215-сон «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарор кучга киритилган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни эксплуатация қилиш, олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш тартибига риоя қилиниши бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги низом (1999 йил 27 июль, рўйхат рақами 781) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 декабрь,  
01-8/3348-сон

**Ташқи ишлар вазири Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 декабрь,  
05/14886-сон

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 декабрь,  
14/258-сон

**Милий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 декабрь,  
15/2061-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 декабрь,  
01-02/20-21-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 декабрь,  
16/2-7728-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 17 декабрдан 23 декабргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 декабрдаги 01-8/3348, 05/14886, 14/258, 15/2061, 01-02/20-21, 16/2-7728-сон қарори.*

*2005 йил 23 декабрда 1532-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 2 январдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни эксплуатация қилиш, олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш тартибига риоя қилиниши бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида низом. *ЎзПТА, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1999 йил 27 июль, рўйхат рақами 781).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 23 декабрдаги 182-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**